

А Ж Р И М

2023 йил 21 февраль кунда, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, очиқ суд мажлисида, суд биносида судья Х.Очиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Умарованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Бердиқиличева, судланувчи А.Хакимов, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган “Turon-Lawyers” адвокатлар фирмаси адвокати Ш.Машарипова, жабрланувчи З.Абдухалимовлар иштирокида,

Хакимов Абдухамид Абдукарим ўғли (Xakimov Abduxamid Abdukarim o'g'li) 14.07.1996 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Хазрати Имом м.ф.й., Сағбон Тарих 2-тор кўчаси, 20-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини ўз вақтида олганга нисбатан,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 1-қисми билан айблаш ҳақидаги 1-1003-2302/101-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.Хакимов, алдаш ишончни суистемол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил 03 январь куни, соат 13:30 ларда, Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган “Малика” савдо мажсуаси олдига, киракаш (таксист) бўлиб ишловчи З.Абдухалимовнинг автомашинасида йўловчи сифатида келиб, З.Абдухалимовнинг ишончига кириб, ундан жами, 500.000 сўм миқдордаги пулларни қайтиб бериш шарти билан олиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган А.Хакимов қуйидагиларни, яъни у Тошкент шаҳрида 2-сонли автобус саройида кондуктор лавозимига ишга жойлашиш учун стажировкадан ўтаётганлиги, отаси оғир касаллиги, онаси уй бекаси эканлиги, ҳозирда оилада ягона боқувчи бўлиб қолганлиги, отасининг муолажаси учун пул зарур бўлиб қолганлиги сабабли, 2023 йил 03 январь куни яшаш хонадонидан ўзига тегишли бўлган телефон апарати орқали “My-taxi” иловаси орқали, такси буюртма қилиб, такси ҳафдовчисига 500.000 сўм миқдорда пул билан келиши кераклигини айтиб ёзиб қўйганлиги, сўнг у такси ҳайдовчисиси унга олдиндан нотаниш бўлган З.Абдухалимовга кўнғироқ қилиб, ўзи билан 500.000 сўм миқдорда пулларни олиб келиши, айтилган манзилга боргандан кейин йўл ҳақи билан бирга



500.000 сўм миқдордаги пул маблағини ҳам қайтаришини айтганлиги, З.Абдухалимов рози бўлганлиги, З.Абдухалимовга Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ҳудудида жойлашган “Малика” савдо мажмуасига боришини айтганлиги, сўнг улар биргаликда манзилга етиб борганидан кейин, З.Абдухалимовдан 500.000 сўм миқдордаги пулларни олиб, икки дақиқада дўконга кириб чиқишини айтиб, “Малика” савдо мажмуасига кириб орқа томон дарвозасидан чиқиб кетганлиги, З.Абдухалимовдан олган 500.000 сўм пул маблағларини ўзининг шахсий эhtiёжларига ишлатиб юборганлиги, ҳозирда З.Абдухалимов билан ярашганлиги ва етказилган зарарни тўлиқ бартараф этганлигини айтиб, унга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи вакили тариқасида сўроқ қилинган З.Абдухалимов қуйидагиларни, яъни ҳақиқатдан ҳам Тошкент шаҳрида “Яндекс” ва “Му-Тaxi” иловалари орқали кира қилиб юриши, 2023 йил 03 январь куни саот 12.21 да унга “Му-Тaxi” иловаси орқали буюртма тушганлиги, буюртмада 500.000 сўм пул билан боришлиги ҳақида хабарнома мавжудлиги, шунда у мижоз кўрсатиб ўтган манзилга кетаётган вақтида буюртма берган мижоз унга унга олдиндан нотаниш бўлган А.Ҳакимов қўнғироқ қилганлиги, унга 500.000 сўм миқдордаги пулларни олиб келиши, манзилга етиб боргандан сўнг йўл ҳақи 500.000 сўм пул маблағини беришини айтганлиги, шунда у А.Ҳакимовнинг гапларига ишониб, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шимолий олмазор чораҳасига борганлиги ва А.Ҳакимов келиб автомашинага ўтириб, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, “Малика” савдо мажмуасига боришни айтиганлиги, улар айтилган манзилга етиб борганларидан сўнг, А.Ҳакимов ундан 500.000 сўм миқдордаги пулларни олиб, икки дақиқада чиқишини айтиб, “Малика” савдо мажмуасига кириб кетганлиги, у “Малика” савдо мажмуасининг олдидан икки соат кутиб турганлиги, А.Ҳакимов қайтиб келмаганлиги, унга қўнғироқ қилганлиги, телефон аппарати ўчирилган бўлганлиги сабабли, у алданганлигини билаб, А.Ҳакимовнинг устидан ИИОларига ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда А.Ҳакимов томонидан унга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплаб берилганлиги, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, улар ўзаро ярашиб олишганлигини инobatга олиб, А.Ҳакимовга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни ва унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси қоидалари тўлиқ тушунтирилганлигини айтиб, кўрсатув берди.

Юқоридагиларни инobatга олиб, суд, жиноят иши ҳужжатлари, жабрланувчи ва судланувчининг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризалари билан танишиб, туман прокурори ёрдамчиси ва ҳимоячининг А.Ҳакимовга нисбатан жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги ҳулосасини эшитиб, ярашувнинг ихтиёрий бўлганлиги, судланувчининг ўз айбига тўлиқ



иқроор эканлиги, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаб етганлиги ва етказилган зарарни бартараф этганлиги, жабрланувчи вакилига ҳамда судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, етказилган зарар қопланганлиги, судланувчига нисбатан жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инобатга олган ҳолда А.Хакимовга нисбатан жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик масаласини ҳал этмай, томонлар ярашуви муносабати билан жиноят ишини ҳаракатдан тугатиб, А.Хакимовни жиноий жавобгарликдан озод қилишни ва жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасининг 5-қисми талабларини тушунтиришни лозим топади.

Жабрланувчига етказилган бошқа моддий ва маънавий харарлар юзасидан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва 423, 582, 583, 585, 586-моддаларини қўллаб, суд ажрим қилади,

А Ж Р И М :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан айбланган **Хакимов Абдухамид Абдукарим ўғли** (Xakimov Abduxamid Abdukarim o'g'li)га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

А.Хакимовга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасининг 5-қисми талаблари асосида, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Жабрланувчига етказилган бошқа моддий ва маънавий харарлар юзасидан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда ЖПКнинг 497²-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, агар ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Х.Очилов

